

10-10-2019

## THE USE OF ARTISTIC AND VISUAL MEANS IN GAFUR GULOM`S PROSE

Mukhayyoxon Obidovna Khamidova

*Candidate of philological sciences, docent of Namangan State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Khamidova, Mukhayyoxon Obidovna (2019) "THE USE OF ARTISTIC AND VISUAL MEANS IN GAFUR GULOM`S PROSE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 9 , Article 27.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss9/27>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## THE USE OF ARTISTIC AND VISUAL MEANS IN GAFUR GULOM`S PROSE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## ГАФУР ҒУЛОМ НАСРИДА БАДИИЙ-ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИШИ

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна,  
филология фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Аннотация:** Ўзбек миллий адабиётида Ғафур Ғуломнинг ўзига хос ўрни бор. У ҳаёт талаби, жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни кенгроқ кўламда акс эттириш мақсадида адабиётшуносликнинг барча жанрларида ўз кучини синаб кўрган ижодкордир. Натижада ўзининг ана шу журъати ва жасорати туфайли бошқа халқларнинг қиссалари билан беллаша оладиган асарларини кенг китобхонлар оммасига тақдим қила олди. Ушбу мақолада Ғафур Ғуломнинг насрий асарларида бадиий-тасвирий воситаларни қўлланиш ўрни хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Бадиий асар тили, бадиий тасвирий воситалар, жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш, бадиий образ, ёзувчи услуби, адбининг образ ва манзара яратиш маҳорати.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СРЕДСТВ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ИЗОБРАЖЕНИЯ В ПРОЗЕ ГАФУРА ГУЛАМА

Ҳамидова Муҳайёхон Обидовна  
кандидат филологических наук, доцент  
Наманганский государственный университет

**Аннотация:** Г. Гулам занимает достойное место в узбекской национальной литературе. В целях широкого отражения общественно-социальных явлений он творил почти во всех жанрах литературы. В статье представлен анализ использования средств художественной выразительности писателя.

**Ключевые слова:** язык художественного произведения, средства художественной выразительности, оживление, сравнение, художественный образ, стиль писателя, мастерство создания образа и картины.

## THE USE OF ARTISTIC AND VISUAL MEANS IN GAFUR GULOM'S PROSE

Khamidova Mukhayyoxon Obidovna  
Candidate of philological sciences, docent  
of Namangan State University

**Abstract:** Annotation: Gafur Gulom has a special place in Uzbek national literature. He is an a writer who as experimented with all genres of literature in order to better reflect the social and political changes which taking place in society. As a result to his courage and bravery ,he was able to present is works to other readers, competing with other people`s stories. The article discusses the role of artistic and visual aids in te prose works of Gafur Gulom.

**Key words:** language of fiction, art and visual means, revitalize, quality, similarity, artistic image, writer`s style, the ability of the writer to create the image and landscape.

Ўзбек миллий адабиётида Ғафур Ғуломнинг ўзига хос ўрни бор. У ҳаёт талаби, жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни кенгроқ кўламда акс эттириш мақсадида адабиётшуносликнинг барча жанрларида ўз кучини синаб кўришга ҳаракат қилди. Натижада ўзининг ана шу журъати ва жасорати туфайли бошқа халқларнинг қиссалари билан беллаша оладиган қиссаларини кенг китобхонлар оммасига тақдим қилди.

Ёзувчи воқеликни сўзлар ёрдамида бадиий акс эттирар экан, китобхон ҳам унинг аниқ, бевосита тасаввур қилади. Бунга сабаб шуки, ёзувчи аниқ ва мақсадга мувофиқ танланган сўзлар билан ўзи ҳикоя қилаётган воқеа-ҳодисаларга хос белги ва хусусиятларни аста-секин очиб боради.

Бадиий асар тилини жонли, образли қиладиган воситалар бадиий тил воситалари деб аталади. Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор”, “Шум бола” қиссаларини таҳлил қилар эканмиз, ёзувчининг кўплаб бадиий тасвирий воситалардан фойдаланганлигини кузатамиз. Жумладан, жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш каби бадиий тасвирий воситалардан унумли фойдаланган.

Жонлантириш-инсонга хос хусусиятларни жонсиз ва мавҳум нарсаларга, ҳодисаларга нисбат бериб тасвирлашдир.

Жонлантириш бадиий образга, бадиий матнга эмоционал жўшқинлик бахш этади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда жонлантириш кўп учрайди. “Шум бола” асари мисолида кузатадиган бўлсак, “Пиёздоғининг ҳидлари димоғига кириб, иштаҳа ҳам намозшомгулнинг карнайидай очилиб кетганлигини айтиш мумкин”, яна қаҳрамон кўчаларни тасвирлаганда шундай дейди: “четига харсанг терилган тор йўлкалардан кетувчи йўловчиларга узоқдан “мен бор” дегандек, қизғиш шуъла кўрсатса ҳам ёруғ бермайди”. Демак, бу ерда чироқларни инсонларга ўзини кўрсатиш учун жонли қиёфага киритяпти. Чироқлар ўзининг “жонли қиёфаси” билан китобхон ўқувчилар кўз ўнгида ёрқин гавдаланади. Жонлантириш натижасида бадиий асар тили образлилик ва ёрқинлик касб этади.

Сифатлаш бадиий тасвирий воситасини ҳам Ғафур Ғулом кўп қўллаган. Бу ҳодиса, предмет ёки персонажларнинг айрим хусусиятларини ифодалаш учун ишлатиладиган сўз бирикмаларидир. Ҳар бир нарсани ёки ҳолат ҳақида ўқувчиларга тасаввур бериш учун ёзувчи ўз тасвир предметининг бирор хусусиятини ажратиб, қайд этади. Бунинг натижасида “сифатлаш” майдонга келади. Ғафур Ғуломнинг “Ёдгор” қиссасида “қип-қизил ва кичик лаблари”, “қора кўзлар”, “мармардай билаклари”, “Болиш пар ёстиқдай момикқина оқ баданли тўла ўғил бола экан”, “қора жингалак киприклар”, “Шум бола” асарида асарида эса “эски тиш”, “ҳаваскор жинни”, “олача яктагимнинг”, “кул ранг товуқ”, “Ичкари томондан узун малла тўн, оқ салла, сағри кавуш кийган, кўлларида минг доналик тасбех, кўзларига сурма тортган, узун мош-гуруч соқолли, хушмўйлов, мош еган хўроздай қизил юзларидан “нур ёғилиб” турган, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тўққизинчи хотинлари Биби Ойша Куброннинг томдан итарар набиралари ҳаст эшон таманнолик билан ерни “миннатдор бўлсанг босаман”, деб чиқиб келдилар [3.139], “Чанг босган киприклари тагидаги қўй кўзлар менга жуда таниш” [3.153], “Тепамизда сомон отга минган, мошкичири соқолли, бурни худди пахтали тўнга қадалган тугмадай ичига ботиб кетган пучуқ бир киши қамчи ўйнатиб сиёсат қилар эди” [3.157-158], “Таралмаган

сарик соқоли юзини босган, кўш кўзойнакли, ўрта ёшли ёшли бир киши [3.178]” каби сифатлашларни учратамиз.

Сифатлашлар икки хил бўлади: оддий ва доимий сифатлашлар. Оддий сифатлашлар нарса ёки воқеаларнинг ўткинчи белгиларини, доимий сифатлашларини ифодалаб, анъана сифатида доим қўлланади. Шунинг учун ҳам доимий сифатлар халқ оғзаки ижодида кўп учрайди. Масалан, оддий қушлар эмас, соҳибчангал қушлар каби. Сифатлашлар от, сифат, феъл, равиш сўз туркумларидаги сўзлардан ташкил топиши мумкин.

Бадий тил таркибидаги сифатлашларни кўздан кечираётганда яна бир нарсани ҳисобга олиш керак. Бадий асарда ишлатилган ҳар қандай аниқловчи сифатлаш бўлавермайди. Муаллиф айрим аниқловчини воқеа ва предметни тасвирлаш, уларга бўлган ўз муносабатини билдириш учунгина эмас, балки уни аниқ ифодалаш учун ҳам қўллайди.

Ёзувчи тасвир предмети ҳақида ўқувчиларга тасаввур бериш учун уни бошқа бир нарсага, яъни одатда, ўқувчиларга маълум бўлган нарсага ўхшатади.

Ўхшатиш кўчиришларнинг содда турига киради. Бирор предметнинг маълум бир белгисини бошқа бир предметга солиштиришга ўхшатиш дейилади. Ўхшатиш учун муаллифлар кўпинча ўхшаш предметларнинг тўғридан-тўғри ўхшаш томонларини кўрсатиш орқали ёки –дек (-дай), -симон,-нома қўшимчаси ҳамда ўхшаш, худди, гўё, мисли, мисоли, сингари, янглиғ, бамисоли каби кўмакчилари ёрдамида юзага келади.

Ўхшатиш поэзиядаги сингари насрий асарларда ҳам, жонли нутқда ҳам кенг қўлланади. Ёзувчи ва шоирлар ўхшатишдан ўз фикрларини яққол ифодалаш, табиат ҳодисаларини тасвирлаш, образ яратиш воситаси сифатида фойдаландилар. Масалан, “Ёдгор” қиссасида “ҳавонинг иссиқлигидан эриб кетгандай авжсиз, лаззатсиз”, “гўё елпиғичдай тебратиб”, “шабнамдай тоза терлар”, “арикча терс оқаётгандай”, “аъзойи баданим пўлатдан куйгандай”, “юрагим каптарбаччадай типирчилайди”, “жуда уялгансимон”, “чумчуқ тилидай хат”, “Шум бола” асарида эса “ипаклардай”, “гўё дарчанинг пардасини тортгандай”, “Иштаҳаси ҳам карнайдаккина экан”, “балиқдай бўлиб”, “сурра тўн кийган эшондай” “супрадай”, “селда қолган чумолидай” ва ҳоказо ўхшатишлар мавжуд.

Ўхшатиш бадий асарда сифатлаш, истиора, муболаға ва бошқа бадий тасвирий воситалар билан боғлиқ ҳолда ишлатилади.

Ғафур Ғулум Шарқ фольклоридаги ҳаётбахш анъаналардан моҳирона фойдаланган. Жумладан, “Шум бола” қиссасида “Шум сағирлигим” ёки “Ношуд бола” эртаги қаҳрамони билан Шум бола ўртасидаги ўхшашликни кўплаб кузатамиз. Шунингдек, “Қирқ ёлғон” эртаги билан Шум боланинг ёлғончилигини ҳам қиёслаб ўтиш мумкин. Адиб бу эртақ эпизодларидан ўз асарида усталик билан фойдаланади.

Шундай ўхшашликни “Минг бир кеча” эртақларидан бири мисолида ҳам кўриш мумкин. Эртақда бир қул бойга бир йилда бир марта ёлғон сўзлашини айтади. Бир сафар бойга бола-чақаларингизни девор босиб ўлиб қолишди дейди. Бола-чақаларига эса бойни девор босиб ўлиб қолди дейди. “Шум бола”да қаҳрамонимиз Сарибойга ишга ёлланаётганида ҳар замонда ёлғон сўзлаб қўйиш

айби борлигини айтади. Сарибой қаролларининг ҳолидан хабар олмай қўйганда, улар бойнинг “иннайкейин” деган саволига фақат Шум болагина жавоб топа олади, деб уни юборишади. Шум бола уч ёлғондан қирқ ёлғон тўқиб, бойни ўлар ҳолатга келтириб қўяди.

Қисса поэтикасида халқ оғзаки ижоди анъаналари руҳи ва автобиографик жанр унсурлари бирикиб кетади. Ёзувчи асарнинг бошидан охиригача латифалардан, эртақлардан, ҳикоялардан, аскиялардан унумли фойдаланади. Адибнинг ўз фантазияси натижаси бўлган ичакузди хангомалар асар қатига шу қадар сингдириб юборилганки, ҳатто уларнинг қайсилари фольклорга, қайсилари ёзувчининг ўзига мансублигини ажратиш қийин бўлиб қолади.

Асарда автобиографик жанр унсурлари мавжуд. Айниқса, воқеаларнинг биринчи шахс “мен” тилидан олиб борилиши жанрнинг бу унсурини кучайтиради. Ҳаттоки, қаҳрамоннинг номи асарнинг бошидан охиригача бирор жойда айтилмайди, уни Шум бола деб биламиз холос. Бундан ташқари унинг туғилиб ўсган жойи сифатида ёзувчининг ўз маҳалласи кўрсатилиши; Шум бола дўстларининг исми Омон, Йўлдош бўлса, болалиқда адибнинг ҳам худди шундай исми ўртоқлари бўлганлиги; асар қаҳрамони ёзувчининг ота-оналари ўртасидаги муштарақликлар ва ҳоказо қиссанинг бадиий тўқимасида муайян автобиографик унсурлар борлигини кўрсатади. Лекин асарни автобиографик асар деб аташ тўғри бўлмайди. Чунки қисса воқеалари муаллифнинг ўзи томонидан баён қилинаётгандек “мен” тилидан олиб борилиши бир бадиий усул, холос. Қисса моҳият эътибори билан, биринчи жаҳон уруши арафалари давридаги ўзбек халқи ҳаёти, ундаги қийинчилик ва машаққатлар болалар кўзи ва нигоҳи орқали, саргузаштнамо хангомалар асосида ва юморга йўғрилган бир услубда бадиий гавдалантирилган тарихий-саргузашт асардир.

Шум бола образида халқ характерининг муҳим чизгилари акс этган бўлиб, қиссанинг ўзи чуқур халқчиллик руҳи билан суғорилган асардир. Ёзувчи асардаги Шум бола бошидан ўтган воқеаларни саргузашт ва қизиқарли ҳаномалар тарзида ҳамда унинг характерини кулгили ва афандинамо қиёфада тасвирласа-да, булар асарнинг ўқимишлилигини белгиловчи, қисса жанри ва қаҳрамон табиатининг юмористик йўналишидан келиб чиқувчи хусусиятлардир. Адиб бу услуб баҳонасида коса тагидаги нимкосани, биринчи жаҳон уруши арафасидаги халқ ҳаётидаги қийинчиликларни кўрсатади. Мана шундай оғир вазиятда ҳам халқ руҳининг ўктам ва шўхчанлигини, ҳаёт завқига чанқоқлигини, яхшиликка ишончини, эртанги кунга умидини йўқотмаслигини тасвирлайди. Адиб қаҳрамоннинг қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб юришларини тасвирлаш орқали халқ ҳаётининг кенг манзарасини, яшаш тарзини, руҳиятини, ўй-хаёлларини, орзу-умидларини; бойларнинг ипакка беланган хонадонидаги тўқлигу қувлиқдан тортиб, инсон табиати учун бегона бўлмаган гўзалликларни; камбағал, қашшоқ хонадонлардаги ҳалоллик, виждонийлик, инсонпарварлик ҳислатларини кўрсатади.

Шум бола ўзгарувчан, дунёқараши ҳам шаклланиб, такомиллашиб боровчи образдир. Асар бошидаги бола билан қисса ниҳоясидаги ўсмир ўртасида катта фарқ бор. Дастлаб уни кулгили ҳолатларга тушиб, кулгига маҳлиёгина бўлиб юрадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқини кўп ҳам англамай, бир эшиқдан иккинчисига қувилиб

юришга мажбур бўлвчи ҳолатда кўрсақ, қисса охирига келиб, уни анча вазмин ва босиқ, ҳақсизликларни тушуна бошлаган, халқ ҳаётидаги оғир аҳволни, машаққатли турмуш сабабларини мушоҳада этиб, баҳолай бошлаётган, ноҳақликларга дуч келганда, ўз ҳақ-ҳуқуқларига бефарқ қарамай, истакларини дадил ҳимоя этувчи, бир эшиқдан бошқасига энди қувилибгина эмас, балки бу ерда хизматкорлик қилиш уни қониқтирмай қўйгани учун ўзи шундай хулосага келадиган, бошқачароқ, яъни яхшироқ ҳаётни қўмсовчи, ҳаётга ўз қарашлари шаклланаётган йигитча даражасига етганини кўрамыз.

Инсон табиат фарзанди. Унинг бағрида ўсади, улғаяди, камол топади. Ижодкорга инсон қалбининг нозик нуқталарини топиб акс эттиришда табиат кўринишлари маълум бир восита ролини ўтайди. Ҳар бир ижодкор эса ундан ўз таланти асосида унумли фойдалансагина бундай усул адабиётга фақат наф келтиради. Гафур Гулом ҳам катта талант эгаси сифатида мазкур асарларидан ўрин олган табиат кўринишларидан-пейзаждан тўғри ва оқилона фойдаланган.

Ёзувчи бадиий тил орқали образ ва манзара яратар экан, уларнинг моҳиятини очиб кўрсатадиган сўз ва ибораларни танлайди, ўз ва кўчма маъноли сўзларни қўллайди, уларнинг маънодош, шаклдош, зид маъноли сўзлар, умумхалқ тилининг гап қурилиш усулларидан ва бошқалардан унумли фойдаланади. Бу эса ўз навбатида адиб асарларининг китобхон томонидан қизиқиб ўқилишига сабаб бўлди.

#### **References:**

1. Mirvaliev S. O'zbek adiblari.-Toshkent: Fan, 1993.- 248 b.
2. Said Ahmad. Nazm chorrahasida.-Toshkent: O'qituvchi, 1999.- 128 b.
3. G'.G'ulom. YOdgor: Qissa va hikoyalar.-Toshkent: Adabiyot va san'at, 1983.-337 b.